



Замонавий кутубхона технологиялари ва кутубхоналарнинг янги бинолари

Алишер Ишматов

*Республика ахборот-кутубхона
маркази директори*



Замонавий ахборот технологиялари Миллий кутубхонани ривожлантириш стратегияси ва тактикасини белгиловчи восита ҳисобланади. Компьютер технологияларининг, телекоммуникацион фойдаланиш усуллари ва электрон манбаларнинг жорий этилиши ҳужжатлар ҳамда улар ҳақидаги маълумотлар билан хизмат кўрсатишда барча-барчага: китобхон, кутубхоначи, хизмат кўрсатиш шакллари ва сифатига таъсир кўрсатган ҳолда туб ўзгаришларга олиб келди.

Ахборот-кутубхона хизмати соҳасидаги ҳозирги тамойиллар мутахассислар томонидан куйдаги аниқ ифодалар орқали кўрсатиб берилди:

- бутун диққат-эътибор кутубхонадаги марказий шахс ҳисобланган фойдаланувчига қаратилади: унинг талаб-эҳтиёжлари аниқлаш ҳамда уларни имкони борича тез ва тўлиқ қондириш;

- кутубхоначининг фойдаланувчи билан ахборотлар ўртасидаги воситачилик ролини кучайтириш;

- ахборот-кутубхона ресурслари ва улар ҳақидаги маълумотларга бўлган талабни қондириш соҳасига замонавий кутубхона технологияларини татбиқ этиш;

- натижада барча босқичларда: кутубхонага аъзо



бўлишдан тортиб зарурий ахборотлар ва манбаларни олишгача бўлган босқичларда фойдаланувчига хизмат кўрсатишнинг сифати, самарадорлиги ва тезлиги шубҳасиз ортиб боради;

- хизмат кўрсатишнинг фойдаланувчини ўзига жалб этувчи янги (баъзан тўловли хизмат тизими орқали) шакллари оммалаштириш; бу нарса кутубхоналар томонидан аънанавий тарзда яратилаётган имкониятлар доирасини кенгайтиришга ёрдам беради.

Кутубхоналарнинг янги биноларини замонавий технологияларни ҳисобга олган ҳолда лойиҳалаштириш ва қуриш хилмағхил ахборот манбалари (қоғоз, грампластинкалар, картографик нашрлар, медиа-манбалар ва б.)даги кутубхона фондларини ҳамда кутубхонанинг ишлаб чиқариш бўлинмаларини шунчаки қулай жойлаштиришгагина эмас, балки кутубхоначилик фаолиятига ахборот-коммуникация технологияларини жорий этишнинг барча имкониятларини самарали амалга оширишга имкон беради.

Янги кутубхона биноларининг қурилиши ёки мавжудларининг реконструкция қилиниши ахборот-кутубхона хизмати ҳамда замонавий





ахборот муҳити йўналишида кутубхоналарга қўйилаётган талабларни амалга ошириш учун энг қулай шарт-шароитлар яратади. Дунёдаги хорижий миллий кутубхоналарда (Буюк Британия, Франция, Германия, Дания, Финляндия, Япония, Швеция, Норвегия) ушбу кутубхоналарнинг стратегик ривожланиш режаларига мувофиқ янги биноларда ишлашни ўзлаштириш ва ташкил этиш бўйича махсус дастурлар ишлаб чиқилмоқда. Шунинг эса тутиш муҳимки, ушбу кутубхоналар, биздагилардан фарқли равишда, ўз фаолиятларини аллақачон компьютер асосга ўтказиб бўлганлар, ривожланган ахборот инфратузилмасига ва телекоммуникация алоқаларига эгадирлар.

Туб, асосий ўзгаришлар янги кутубхона биноларида хизмат кўрсатиш характери ва уни ташкил этишга дахлдордир. Ушбу ўзгаришларнинг моҳияти – технологик ва техник жиҳатдан янгиланиш, янги иқтисодий шароитларга мослашиш, кутубхонанинг ижтимоий ҳаётдаги аҳамиятини оширишни мақсад қилиб қўйишдан иборатдир. Британия кутубхонасининг “Фойдаланиш билан боғлиқ ташаббуслар” дастури бунга яққал намуна бўла олади. Ушбу дастур янги технологияларни хизмат кўрсатиш соҳасига татбиқ этиш бўйича асосий стратегик ҳужжат бўлиб, фойдаланувчиларни ахборотлар билан таъминлаги унинг устувор соҳаси ҳисобланади. Режалаштирилаётган ўзгаришлар ва янгилıklar хизмат кўрсатишнинг барча жиҳатларини ўз ичига олувчи ягона АБИС орқали таъминланади, чунончи:

- фойдаланувчилар ва ташриф буюрувчиларни кутубхонадаги маълумотлардан, унинг паст-



баландидан хабардор қилиш;

- фойдаланувчиларни рўйхатга олиш ҳамда уларни кутубхонага киритишни бошқариш. Ушбу тизим муддати ўтган ёки йўқотилган билетлар, жарима солинган китобхоналар ҳақида хабар беради, китобхонанинг кутубхонага кириш вақти ва санасини қайд этади. Қимматли ва алоҳида аҳамиятга эга бўлган материаллар сақланадиган махсус жойларга кириш учун китобхонанинг улардан фойдаланишини текшириш мақсадида бошқа терминал ўрнатилган (бу ҳақдаги маълумот китобхоналар учун тузилган маълумотлар базасида мавжуддир);

- фойдаланувчиларга энг муҳим белгилар (муаллифи, тузувчиси, сарлавҳаси, калит сўзи, ҳужжат тури ва б.) бўйича қидириб топиладиган электрон ресурсларни тақдим этиш;

- китоб омборларидан ҳужжатларни автоматлашган тарзда буюртма қилиш;

- фойдаланувчиларнинг ҳужжатлар ва хизматлар бўйича буюртмаларини бошқариш (вақти, залда



жой сақлаб туриш, ҳужжатдан эркин фойдаланиш мумкинлиги ва б.);

- ҳужжатларнинг берилиши ҳамда хизмат учун ҳақ тўланишини назорат қилиш.

Франция Миллий кутубхонаси ўзининг янги кутубхона учун мўлжалланган лойиҳасида ўз омборларининг бир қисмини (қарийб 2 млн. китоб) роботлаштиришни кўзда тутган. Китобхона жойи 4 хил вариантда ишлаб чиқилган: фойдаланувчи ишлаши учун зарурий, одатдаги замонавий техникага эга бўлган базавий бепул ўриндан тортиб илмий ходимнинг тадқиқат-таҳрир ишларига мос ҳолда жиҳозланган пулли суперўрингача ҳисобга олинган.

Германия Миллий кутубхонаси ўзининг китобхона зонаси таркибий тузилмасида CD-ROM даги материаллар билан хизмат кўрсатувчи махсус multimedia залига эга, телекоммуникация алоқаси билан таъминланган, зарурий материалларни

рангли принтерда босиб чиқариш ускуналари мавжуд. Кутубхонанинг янги биносидаги барча фондлар электрон каталогда акс эттирилган бўлиб, улардан маҳаллий ва узоқ масофадаги китобхонлар эркин фойдаланишлари мумкин.

Ҳозирги кутубхоналарда жорий этилаётган янгича хизмат кўрсатиш шакллари сифатида қуйидагиларни айтиш мумкин: библиографик ва матний ахборотни телекоммуникацион узатиш, энг кўп сўраладиган даврий нашрлар ҳақида таҳлилий маълумот бериш, ахборотларни фойдаланувчи учун қулай бўлган ҳар қандай шаклда (босма, МЛ, CD, on-line) тақдим этиш, бизнес-ахборот ва б.

Янги бинолардаги барча кутубхоналар замонавий техника, телекоммуникациялар, махсус ускуналар асосида ногиронларга хизмат кўрсатишни ҳам режалаштиради.

1997 йили Гаага шаҳрида бўлиб ўтган “Интеллектуал кутубхона бинолари” мавзусидаги



семинарда 15 еа маърузачи янги бинолардаги кутубхоналар ишини ташкил этишдаги ўз тажриба ва тасаввурларини баён этдилар. Ушбу тажриба бизнинг шароитимизда замонавий юксак технологияларга асосланган кутубхоналарни ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиш учун жуда муҳимдир. Буни умумлашган ҳолда қуйидагича қоидалаштириш мумкин:

1. Замонавий тараққий этган (интеллектуал) кутубхона биноси тез мосланувчанлиги, фойдаланиш қулайлиги, замонавий интерьер ва мебеллар, юқори техникавий ҳужжат омборлари ва, ниҳоят, кутубхоначи(лар)нинг интеллектуал қобилияти билан ажралиб туради. Бунда кутубхоначи меъмор билан тенг шерик бўлиб ишлаши ва юқоридаги барча масалаларда ўта масъулиятли



бўлиши керак.

2. Хизмат кўрсатиш нуқтаи назаридан янги биноларда амалга оширилиши шарт бўлган жараёнлар ҳисобланади:

- Ўз ўқув залларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, ахборотлардан эркин фойдаланиш имконини яратиш, қаерда сақланишидан қатъи назар, фондларда мавжуд бўлган ҳужжатлар билан тез ва сифатли хизмат кўрсатиш (Британия хизмат кўрсатиш кодекси, айрим бўлинмалар учун хизмат кўрсатиш бўйича махсус стандартлар);

- Мамлакатимизда ва чет элларда мавжуд бўлган ҳужжатлар билан масофавий таъминлашни кенгайтириш. Бу жараён рақамли сақлаш шакли ва компьютер коммуникациялари тармоқлари асосида имкон қадар тез ва арзон амалга оширилиши керак.

- Электрон ҳужжатларни сақлаш марказларини ва миллий ҳамда халқаро даражадаги ҳужжатлар ва улар ҳақидаги маълумотлар қидириб топишини таъминловчи компьютер марказларини шакллантириш.

“Интеллектуал кутубхона биноси” тушунчасининг таърифи биноси, умуман кутубхонанинг барча функцияларини амалга





оширилиш учун автоматлаштирилган технологияларни жорий этиш демакдир. Бинодан фойдаланиш, уни сақлаш, хавфсизлигини таъминлаш функцияларини компьютерлар ихтиёрига топшириш умумий жараёнининг узвий қўшимчаси бўлиб, у фотоэлементлар, моторлар ва механик қурилмаларни тегишли функциялардан озод қилади. Бинобарин, жорий қилинган механик интеллект ҳақида гапириш мумкин.

Кутубхона фаолиятига бир қатор техник ва технологик янгиликлар жорий қилинган одатда, унинг таркибий бўлинмаларини, эҳтимол, умуман таркибий тузилишини қайта ташкил этиш, шунингдек, менеджмент, яъни бошқарув тизимини қайта кўриб чиқиш муқаррар бўлиб қолади. Бўлинмалар сони вазифаларидаги ўхшашлик, ораларидаги ўзаро муносабатга қараб оптимал ҳолатга келтиради. Кутубхона жараёнларнинг автоматлаштирилиши ҳам бошқарув тизимига таъсир қилади, бу эса, ўз навбатида, кутубхона фаолиятидаги тегишли савияни сақлаб туришни талаб қилади.

Янги кутубхона биноларида ижтимоий, оммавий чора-тадбирлар ўтказиш билан боғлиқ зоналар анчагина кенгайтирилади. Турли характердаги бир қанча комплекс зоналар, чунончи, учрашувлар, конференциялар ўтказиладиган заллар, гуруҳ бўлиб ишлаш, учун, виртуал маълумотлар хизмати учун, ОАВ билан ишлаш учун қурилади. Буларнинг барчаси жамоатчиликнинг ҳамда ҳукуматнинг диққат-эътиборини



кутубхоначилик соҳасига жалб этиш мақсадида қилинади ҳамда кутубхоналарнинг миллий хизмат кўрсатиш маркази мақомини мустаҳкамлайди. Шундай қилиб, вазифалари жиҳатидан тўла бир бутун ҳолга келтирилган бино барпо бўлади ва у ҳар қандай ташриф ва тадбирлар (кўргазмалар, учрашувлар, концертлар ва б.) учун эркин зонага, китобхоннинг тадқиқат ва билим олиш мақсадманфаатларини таъминловчи масканга айланади.

Алишер Навоий номидаги Миллий кутубхонанинг янги биноси қурилиши муносабати билан мамлакатимизда ўзаро боғлиқ масалалар комплексини акс эттирадиган кутубхоналар биолари барпо этишнинг яхлит концепциясини яратиш керак деган хулосага келинди. Шу билан бирга, концепцияни ишлаб чиқишда кутубхона хизмати бевосита кутубхона биносининг сифатли қурилишига боғлиқ деган фикр бош тамойил



бўлмоғи керак.

Ўзбекистон Миллий кутубхонасининг янги биносини қуриш тажрибаси айрим хулосалар қилишга имкон беради:

- Янги бинони лойиҳалаштиришда (шунингдек, мавжуд биноларни замон талабларига мувофиқ янгилаш ва реконструкциялашда) меъморлар, кутубхоначилар, техник мутахассислар доимо бирга фаолият кўрсатишлари керак. Бундай ҳамкорлик янги кутубхона биноларига қўйилаётган ҳозирги талабларни тўлиқ амалга оширишга, келгусида рўй бериши мумкин бўлган ўзгаришларнинг осон кечишини таъминлашга имкон беради;

- Миллий кутубхона биносини ўзлаштириш, унда замонавий технологиялар ва ускуна-жиҳозлардан фойдаланиш борасида тўпланган тажриба, албатта, таҳлил қилиниши ва мамлакатимиз кутубхоналари ўртасида оммалаштирилиши керак.